

**ТОШКЕНТ КИМЁ-ТЕХНОЛОГИЯ ИНСТИТУТИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.03/30.12.2019.T.04.01. РАҚАМЛИ ИЛМЙ КЕНГАШ**

ТОШКЕНТ КИМЁ-ТЕХНОЛОГИЯ ИНСТИТУТИ

САЛИЖОНОВА ШАХНОЗАХОН ДИЛМУРОДОВНА

**ИНУЛИНЛИ ГИДРОГЕЛЛАР ИШТИРОКИДА МАРГАРИН
МАҲСУЛОТЛАРИ ОЛИШНИНГ ИЛМЙ АСОСЛАНГАН
ТЕХНОЛОГИЯСИНИ ИШЛАБ ЧИҚИШ**

**02.00.17 - Қишлоқ хўжалик ва озиқ-овқат маҳсулотларига ишлов бериш, сақлаш ҳамда
қайта ишлаш технологиялари ва биотехнологиялари**

**Техника фанлари доктори (Doctor of Science) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент - 2025

Докторлик диссертацияси автореферати мундарижаси
Оглавление автореферата докторской диссертации
Contents of the abstract of doctoral dissertation

Салижонова Шахнозахон Дилмуродовна

Инулинли гидрогеллар иштирокида маргарин
маҳсулотлари олишнинг илмий асосланган
технологиясини ишлаб чиқиш

3

Салижонова Шахнозахон Дилмуродовна

Разработка научно обоснованной технологии
получения маргариновой продукции с исполь-
зованием инулиновых гидрогелей.....

29

Salijonova Shakhnozakhon Dilmurodovna

Development of a scientifically based
technology for the production of margarine
products using inulin hydrogels

55

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works

59

**ТОШКЕНТ КИМЁ-ТЕХНОЛОГИЯ ИНСТИТУТИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.03/30.12.2019.Т.04.01. РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ТОШКЕНТ КИМЁ-ТЕХНОЛОГИЯ ИНСТИТУТИ

САЛИЖОНОВА ШАХНОЗАХОН ДИЛМУРОДОВНА

**ИНУЛИНЛИ ГИДРОГЕЛЛАР ИШТИРОКИДА МАРГАРИН
МАҲСУЛОТЛАРИ ОЛИШНИНГ ИЛМИЙ АСОСЛАНГАН
ТЕХНОЛОГИЯСИНИ ИШЛАБ ЧИҚИШ**

**02.00.17 - Қишлоқ хўжалик ва озиқ-овқат маҳсулотларига ишлов бериш, сақлаш ҳамда
қайта ишлаш технологиялари ва биотехнологиялари**

**Техника фанлари доктори (Doctor of Science) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент - 2025

Фан доктори (Doctor of Science) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2025.2.DSc/T782 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Тошкент кимё-технология институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз(резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида (www.tkti.uz) ва «Ziynet» Ахборот таълим порталида (www.ziynet.uz) жойлаштирилган.

Илмий маслаҳатчи:

Абдурахимов Аҳроп Анварович
техника фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Исабаев Исмоил Бабаджанович
техника фанлари доктори, профессор

Ахмедов Азимжон Нормўминович
техника фанлари доктори, профессор

Йўлчиев Аслбек Бахтиёрбекович
техника фанлари доктори, доцент

Етакчи ташкилот:

Фарғона давлат техника университети

Диссертация химояси Тошкент кимё-технология институти ҳузуридаги DSc.03/30.12.2019.T.04.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2025 йил «___» _____ соат ___ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100011, Тошкент шаҳар, Шайхонтоҳур тумани, А.Навоий кўч. 32. Тел.: (99871)244-79-20, факс: (99871)244-79-17, e-mail: info@tkti.uz).

Диссертация билан Тошкент кимё-технология институти Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (___ рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100011, Тошкент шаҳар, Шайхонтоҳур тумани, А.Навоий кўч. 32. Тел.: (99871)244-79-20).

Диссертация автореферати 2025 йил «___» _____ куни тарқатилди.
(2025 йил «___» _____ даги №___ рақамли реестр баённомаси).

С.М. Туробжонов
Илмий даражалар берувчи
Илмий кенгаш раиси,
т.ф.д., профессор, академик

Х.И. Кадиров
Илмий даражалар берувчи илмий
кенгаш котиби,
т.ф.д., профессор

Қ.П. Серкаев
Илмий даражалар берувчи илмий
кенгаш қошидаги илмий семинар раиси,
т.ф.д., доцент

КИРИШ (фан доктори (DSc) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Дунёда озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлашнинг аниқ механизмларини ишлаб чиқиш муҳим ва глобал аҳамиятга молик бўлиб, аҳоли ўртасида ошиб бораётган қандли диабет, ортикча вазн, юрак қон-томир касалликларининг олдини олиш муҳим масалалардан ҳисобланади. Мазкур касалликлар нотўғри овқатланиш ва ёғ-мой маҳсулотларини меъеридан кўп истеъмол қилиш билан боғлиқ. Бу касалликлар профилактикаси учун маҳсус ёғ-мой маҳсулотларини ишлаб чиқариш, хусусан, биологик фаол ва озиқавий кўшимчаларни озиқ-овқат маҳсулотлари таркибида қўллаш, маҳсулот таркибини муҳим бўлган биологик фаол бирикмалар билан бойитиш, синтетик аналогларидан ўзининг тўйимлилиги, кимёвий таркиби ва организмда тез хазм бўлиши билан устун турадиган табиий манбалардан олинган ёғ тақлидчиларини қўллаб янги турдаги маргарин рецептларини яратиш муҳим аҳамиятга эга ҳисобланади.

Жаҳонда ҳайвон ва ўсимлик манбаларидан табиий функционал ва биологик фаол моддаларни ажратиб олиш, уларни турли хил ёғ маҳсулотларининг рецептларида ёғ тақлидчилари сифатида киритиш билан принципиал жиҳатдан янги хусусиятларга эга тайёр маҳсулотлар ишлаб чиқариш, амалдаги технологик жараёнларни такомиллаштиришга ва ресурстежамкор технологияларини қўллашга қаратилган чуқур тадқиқотлар олиб борилмоқда. Бу борада функционал ва биологик фаол моддалар асосида гидрогеллар ҳосил қилиш, янги маҳсулот ассортиментлари яратиш, ёғ тақлидчиларини гўшт, сут, қандолат ва бошқа озиқ-овқат маҳсулотлари таркибида ёғ ўринбосарлари сифатида қўллаш, физик-кимёвий ва органолептик хусусиятларига таъсирини аниқлаш, инсон организмга таъсирини тадқиқ қилиш, *in-vivo* ва *in-vitro* шаклларда синовлардан ўтказиш, табиий хомашёлардан самарали фойдаланиш билан озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқариш технологияларини такомиллаштириш бўйича илмий тадқиқотлар олиб борилмоқда.

Республикамизда сўнгги йилларда озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш, аҳолига юқори сифатли тўлақонли озиқ-овқат маҳсулотларини етказиб бериш, импорт ўрнини босувчи маҳсулотлар турлари ва ҳажмини кенгайтириш, маҳаллий хомашёлар асосида ёғдорлиги камайтирилган ёғ маҳсулотлари ишлаб чиқариш технологияларини ривожлантириш бўйича маълум натижаларга эришилмоқда. Янги Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Тараққиёт стратегиясида «саноатни сифат жиҳатдан янги босқичга кўтариш, маҳаллий хом ашё манбаларини чуқур қайта ишлаш, тайёр маҳсулотлар ишлаб чиқаришни жадаллаштириш, янги турдаги маҳсулотлар ва технологияларни ўзлаштириш»¹ вазифалари белгилаб берилган. Бу борада табиий манбалардан олинган ёғ тақлидчиларини қўллаб янги турдаги маргарин рецептларини ишлаб чиқиш, улар асосида ёғдорлиги камайтирилган, юқори сифатли ва енгил хазм бўлувчи маргарин маҳсулотлари ишлаб чиқариш технологияларини яратиш бўйича илмий тадқиқотлар олиб бориш долзарб ҳисобланади.

¹Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ-60 «2022-2026 йилларга мўлжалланган янги Ўзбекистон тараққиёт стратегияси тўғрисида»ги фармони

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ-60 «2022-2026 йилларга мўлжалланган янги Ўзбекистон тараққиёт стратегияси тўғрисида»ги, 2017 йил 23 августдаги ПҚ-3236-сон «2017-2021 йилларда кимё саноатини ривожлантириш дастури тўғрисида»ги, 2022 йил 6 июлдаги ПҚ-307-сон «2022-2026 йилларда Ўзбекистон Республикасининг инновацион ривожланиш стратегиясини амалга ошириш бўйича ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида»ги, 2020 йил 9 сентябрдаги ПҚ-4821-сон «Республика озиқ-овқат саноатини жадал ривожлантириш ҳамда аҳолини сифатли озиқ-овқат маҳсулотлари билан тўлақонли таъминлашга доир чора-тадбирлар тўғрисида»ги, 2020 йил 10 ноябрдаги ПҚ-4887-сон «Аҳолининг соғлом овқатланишини таъминлаш бўйича кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги, 2019 йил 23 октябрдаги ПҚ-5853-сон «Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалигини ривожлантиришнинг 2020-2030 йилларга мўлжалланган стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида»ги, қарорлари ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг 2022 йил 20 январдаги 37-сон «Республикада озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқарувчиларини янада қўллаб-қувватлаш тўғрисида»ги қарори ҳамда, мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг VII. «Кимё технологиялари ва нанотехнологиялар» устувор йўналишларига мувофиқ бажарилган.

Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий тадқиқотлар шарҳи². Ёғ тақлидчиларини олиш, уларнинг хоссаларини аниқлаш, озиқ-овқат маҳсулотлари таркибида қўллаб ёғдорлиги камайтирилган маргарин рецептларини шакллантириш ва ишлаб чиқариш технологияларини такомиллаштиришга йўналтирилган илмий ишлар жаҳоннинг етакчи илмий марказлари ва олий таълим муассасалари, жумладан, Yildiz Technical University (Туркия), University of Copenhagen (Дания), University of Extremadura (Испания), Jiangnan University (Хитой), Ankara University (Туркия), Latvia University of Life Sciences and Technologies (Латвия), University of Belgrade (Сербия), Қозон миллий тадқиқот ва технологик университети (Россия), Бутунроссия ёғлар илмий-тадқиқот институти (Россия), American Oil Chemists' Society (АОС) (АҚШ), Cornell university (АҚШ), Ислом Каримов номидаги Тошкент давлат техника университети (Ўзбекистон), Тошкент кимё-технология нститути (Ўзбекистон)да олиб борилмоқда.

Углевод, оксил ва ёғ асосли ёғ тақлидчиларининг янги манбаларини топиш, физик-кимёвий ва реологик хусусиятларини аниқлаш, улардан озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқариш технологиясида рационал фойдаланишга оид олиб борилган тадқиқотлар юзасидан қатор илмий натижалар олинган, жумладан

²Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий-тадқиқотлар шарҳи: www.czu.cz, www.iitb.ac.in, www.unipage.net, www.cnr.it, www.put.poznan.pl, www.polandstudy.com, www.cextremelab.edu.rs, www.upm.es, www.umt.edu.pk, www.hotcourses.ru, www.gatech.edu, www.unist.ac.kr, www.tdtu.uz, www.tkti.uz, www.urmon.uz ва бошқа манбалар асосида ишлаб чиқилган.

таркибида кўп миқдорда озуқа моддалари бўлган оқсил, витаминлар, углеводлар, макро- ва микроэлементларга бой бўлган озиқавий қўшимчалардан озиқ-овқат маҳсулотлари таркибида фойдаланиш технологияси ишлаб чиқилган (Yildiz Technical university (Туркия), University of Extremadura (Испания)), озиқ-овқат маҳсулотлари таркибида ёғ тақлидчиларидан фойдаланишда тайёр маҳсулотларнинг хавфсизлиги ва сифат кўрсаткичлари аниқланган (University of Copenhagen (Дания), Ankara university (Туркия)), ўсимликлардан олинган текстуратлар, изолятлар ва концентрат ингредиентлари ишлаб чиқариш технологияси яратилган (University of Granada и Institute of Nutrition and Food Technology «José Mataix», Испания), маҳаллий топинамбур ўсимлиги асосида озуқа элементларига бой озиқавий қўшимчалар ишлаб чиқаришда, уларнинг функционал-технологик хусусиятлари аниқланган (Department of Chemistry, McGill University, Канада), маргарин, спред, майонез, музқаймоқ ва шу каби ёғли эмульсияли маҳсулотлар таркибидаги ёғ миқдорини камайтириш мақсадида ёғ тақлидчилари рецептурага киритиш билан олиш технологияси такомиллаштирилган (Тошкент кимё-технология институти, Тошкент давлат аграр университети, Ўзбекистон).

Дунёда ўсимлик манбаларидан табиий функционал ва биологик фаол моддаларни ажратиш, ёғ маҳсулотларининг рецептларида ёғ тақлидчилари сифатида киритиш билан янги хусусиятларга эга тайёр маҳсулотлар ишлаб чиқариш технологияларини ишлаб чиқиш бўйича қатор, устувор йўналишларда тадқиқотлар олиб борилмоқда, жумладан, биологик фаол ва озиқавий қўшимчалар олиш технологиясини ишлаб чиқиш, маргарин рецептини такомиллаштиришда саломас, пахта пальмитини, пальма мойи, переэтерификацияланган ёғлар ва пахта мойларини қўллаш, хомашёларнинг маргаринни органолептик кўрсаткичларига салбий таъсирини камайтириш, синтетик аналогларидан тўйимлилиги ва организмда тез хазм бўлиши билан устун табиий манбалардан олинган ёғ тақлидчиларини қўллаб янги турдаги маргарин рецептларини яратиш ва амалиётга жорий этиш шулар қаторига киради.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Табиий полимерлар, углеводлар, оқсиллар ва шу каби гидрогель ҳосил қилувчи моддалар, улар асосида ёғ тақлидчиси сифатида қўлланиладиган гидрогеллар олиш технологияси ҳамда олинган гидрогелларни хоссаларини ўрганиш бўйича Anna Florowska, L.Zhang, Z.Herceg, Adonis Hilal, Ali Maha, Mostafa Rehab, Raja Aravamuthan, Tomasz Florowski, C.F.Ognean, Biljana Pajin, Ivana Nikolić, A.Patel, H.Liu, Johannes Dreher, Maurice König, Kurt Herrmann, Jochen Weiss, Е.Ю.Сорокина, А.П.Нечаев, В.В.Ключкин, Н.С.Арутюнян, Е.П.Корнена, А.Н.Лисицин, Ю.К.Кадиров, С.А.Абдурахимов, И.Б.Исабаев, А.Т.Рузибаев, Д.А.Рахимов, С.Х.Абдураззакова, Ғ.Рахмонбердиев, Қ.О.Додаев ва бошқалар томонидан илмий-тадқиқот ишлари олиб борилган.

Улар томонидан гидрогель ҳосил қилиш хусусиятига эга моддаларнинг хоссалари аниқланган, гель ҳосил қилишнинг мақбул режимлари ишлаб чиқилган ва олинган гидрогеллар турли озиқ-овқат маҳсулотлари рецептида ёғ ўринбосари сифатида қўлланилган, ёғ ўринбосари қўшилган маҳсулотларнинг

органолептик, физик-кимёвий, токсикологик, микробиологик ва бошқа хусусиятлари ўрганилган.

Шу билан бирга топинамбур туганаги, ундан инулин олиш, инулиннинг хоссаларини ўрганиш, инулин асосида гидрогеллар олиш ва уларни турли озиқ-овқат маҳсулотлари таркибида ёғ тақлидчиси сифатида қўллаб, ёғ миқдори камайтирилган маҳсулотлар ишлаб чиқариш технологияларини яратиш йўналишида илмий ишлар олиб борилмоқда.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Тошкент кимё-технология институтининг илмий-тадқиқот ишлари режаларига мувофиқ №АМ-ФЗ-201908159 «Маҳаллий хомашёлар асосида функционал қўшимчалар билан бойитилган парҳезли маргарин олиш технологиясини ишлаб чиқиш» (2020-2022 йй) ҳамда АЛ-7823051664 рақамли «Маҳаллий хомашёлар асосида шакар миқдори камайтирилган шоколадли паста ишлаб чиқариш» (2024-2025 йй) мавзусидаги амалий лойиҳалари доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади маҳаллий топинамбур туганагидан инулинли экстракт олиш ва уни ёғ тақлидчиси сифатида қўллаб, ёғдорлиги камайтирилган маргарин рецептини шакллантириш ҳамда ишлаб чиқариш технологиясини такомиллаштиришдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

топинамбур туганагидан инулиннинг сувли экстрактини олиш жараёнини тадқиқ қилиш, олинган экстрактнинг таркиби ва физик-кимёвий хусусиятларини аниқлаш;

инулинли эритма ва экстрактларнинг реологик хоссаларини ўрганиш;

инулинли эритма ва экстрактлар асосида гидрогеллар тайёрлаш ҳамда уларнинг хусусиятларини тадқиқ қилиш;

инулинли гидрогелларни ёғ тақлидчиси сифатида қўллаб, маргарин рецептларини шакллантириш;

инулинли гидрогелларни маргариннинг физик-кимёвий хусусиятларига таъсирини ўрганиш;

ёғ тақлидчиларини қўллаб, маргарин ишлаб чиқаришнинг оптимал шарт-шароитларини аниқлаш;

олинган янги турдаги маргаринларнинг таркибидаги ёғ тақлидчиларини маҳсулотнинг сақланиш муддатига таъсирини аниқлаш;

ёғ тақлидчилари билан бойитилган маргаринни хавфсизлик кўрсаткичларини тадқиқ қилиш;

ёғ тақлидчиларини қўллаб, маргарин ишлаб чиқариш технологиясини такомиллаштириш ва ишлаб чиқаришнинг иқтисодий самарадорлигини аниқлаш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида маҳаллий топинамбур туганаги, инулин, перээтерификацияланган ёғ, эмульгатор ва бошқа қўшимчалар олинган.

Тадқиқотнинг предмети инулинли гелларни ёғ тақлидчилари сифатида қўллаб, ёғдорлиги камайтирилган маргарин рецептини шакллантиришнинг илмий асосларини ишлаб чиқиш ва унинг қонуниятларини ўрганиш ҳисобланади.

Тадқиқотнинг усуллари. Илмий тадқиқот ишида ҳомашё ва тайёр маҳсулотларнинг физик-кимёвий, биокимёвий, микробиологик ва токсикологик усуллар, шунингдек, олинган натижаларни эксперимент услуби ёрдамида маҳсулот таркибида реологик хусусиятларини таҳлил этиш усулларидан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгиликлари қуйидагилардан иборат:

топинамбур тугунагидан сифатли инулинли экстракт олиниб, ультратовуш тўлқинларида жараён давомийлиги анъанавийга нисбатан 1,5 мартагача қисқариши исботланган;

инулинли эритма ва экстрактлар асосида олинган гидрогелларнинг реологик хоссалари аниқланиб, маргарин рецептларида ёғ тақлидчиси сифатида қўллаш ёғ сарфини 12–20% гача камайтириши асосланган;

инулинли гидрогелларни маргаринларнинг физик-кимёвий ва органолептик хусусиятларига таъсир қонуниятлари аниқланиб, уларни ёғ тақлидчиси сифатида қўлаб олинган маргарин эмульсияларни совутиш жараёнларини анъанавийга нисбатан 3-4°C паст ҳароратларда олиб бориш самарали эканлиги асосланган;

инулинли экстракт асосида олинган ёғ тақлидчили маргариннинг сақлаш муддати 1,3-1,5 марта узайиши исботланган ва микробиологик ва токсикологик кўрсаткичлари бўйича хавфсизлиги асосланган;

маҳаллий топинамбур тугунагидан инулинли экстракт олиш ва уни ёғ тақлидчиси сифатида қўлаб ёғдорлиги камайтирилган маргарин олиш технологияси такомиллаштирилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

маҳаллий топинамбур тугунагидан юқори сифатли инулиннинг сувли экстрактини олиш интенсив технологияси ишлаб чиқилган;

инулиннинг сувли эритмаси ва топинамбур тугунагидан олинган инулин экстрактдан гель ишлаб чиқариш мақбул параметрлари аниқланган;

углевод асосли гидрогелларни ёғ тақлидчиси сифатида қўллаш орқали ёғдорлиги камайтирилган маргарин рецепти ишлаб чиқилган;

ёғ тақлидчиларини қўлаб маргарин ишлаб чиқариш технологияси такомиллаштирилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончилиги инулиннинг сувли эритмаси ва топинамбур тугунагидан олинган инулинли геллар ишлаб чиқишда физик-кимёвий, биокимёвий, микробиологик ва токсикологик усуллардан фойдаланилганлиги, ёғдорлиги камайтирилган маргарин рецептларини ишлаб чиқиш шароитида экспериментал тадқиқотлар, олинган тайёр маҳсулотларни аккредитациядан ўтган сертификатланган лаборатория таҳлиллари асосида, амалиётда фойдаланилаётган намуналар билан қиёсий натижаларининг мослиги билан изоҳланган.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти топинамбур тугунаги инулинидан ультратовуш таъсирида, сувли экстрагентда экстракциялаш билан олинган гелнинг маргарин ишлаб чиқариш жараёнида фойдаланишда, уларнинг функционал-технологик хусусиятлари, органолептик кўрсаткичларининг яхшиланиши ва технологик жараённинг қисқартирилганлиги, тайёр маҳсулот

чиқишининг ошганлиги, гель маргарин таркибида ёғ тақлидчиси сифатида қўлланилганда ёғ, гель ва сувли фазалар орасидаги боғлиқликни илмий асоси яратилганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти топинамбур туганагидан инулинли экстракт асосида гель олиш, маргарин таркибида ёғ тақлидчиси сифатида қўллаш орқали импорт ёғ сарфини камайтириш, маргариннинг парҳезбоплик хусусиятларини ошириш ҳамда олинган гелни озиқ-овқат, ёғ-мой, гўшт-сут, кандолатлар таркибида қўллаш орқали, маҳсулот ишлаб чиқариш унумдорлигини оширишга хизмат қилади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Маҳаллий топинамбур туганагидан инулинли экстракт олиш ва уни ёғ тақлидчиси сифатида қўллаб, ёғдорлиги камайтирилган маргарин рецептини шакллантириш, ишлаб чиқариш технологиясини такомиллаштириш бўйича олинган илмий натижалар асосида:

топинамбур туганагидан интенсив усулда оч рангли инулинли экстракт олиш технологияси «Best Tastes Technology» МЧЖ корхонасида амалиётга жорий этилган (Ўзбекистон Республикаси Ёғ-мой саноат корхоналари уюшмасининг 2025 йил 3 январдаги КС/3-4-сон маълумотномаси). Натижада органолептик хусусиятлари яхшилانган, юқори сифатли инулинли экстракт олиш имконини берган;

маҳаллий топинамбур туганагидан инулин экстракти олиш технологияси «Best Tastes Technology» МЧЖ корхонасида амалиётга жорий этилган (Ўзбекистон Республикаси Ёғ-мой саноат корхоналари уюшмасининг 2025 йил 3 январдаги КС/3-4-сон маълумотномаси). Натижада анъанавий усулга нисбатан инулин миқдори юқори бўлган экстракт олиш имконини берган;

ёғ тақлидчиларини қўллаб, ёғдорлиги камайтирилган, янги турдаги маргарин ишлаб чиқариш технологияси Ўзбекистон Республикаси Ёғ-мой саноат корхоналари уюшмасининг «2024-2026 йилларда амалиётга жорий этиладиган ишланмалар рўйхатига киритилган» (Ўзбекистон Республикаси Ёғ-мой саноат корхоналари уюшмасининг 2025 йил 3 январдаги КС/3-4-сон маълумотномаси). Натижада 80 ва 60 % ли маргарин ёғли асоси миқдорини мос равишда 60 ва 45 % гача камайтириш имконини берган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Тадқиқот натижалари маъруза кўринишида 12 халқаро ва 4 республика илмий-техник анжуманларда муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларини эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича 1 та патент, 2 та монография, 25 та илмий иш чоп этилган, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари (DSc) асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 9 та илмий мақола, жумладан 3 та маҳаллий ва 6 та хорижий журналларда нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, бешта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловадан иборат. Диссертациянинг ҳажми 198 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида ўтказилган тадқиқотларнинг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, объекти ва предметлари тавсифланган, республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган. Тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиқ берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилиш, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг **«Ёғ миқдори камайтирилган маргарин маҳсулотларининг истиқболли йўналишлари»** деб номланган биринчи бобида мавзу бўйича олиб борилган илмий тадқиқотларнинг натижалари, хорижий ва маҳаллий адабиётларнинг таҳлили батафсил баён этилган. Маълумотлар умумлаштирилган ва илмий таҳлил қилинган. Маргариннинг турлари ва уларни ишлаб чиқариш технологиялари, ёғлилиги камайтирилган эмульция маҳсулотларнинг бугунги кундаги аҳамияти, ёғ тақлидчилари билан бойитилган парҳезли маргарин рецептлари ва уларни такомиллаштириш истиқболлари ҳақида атрофлича маълумотлар келтирилган ва шарҳланган. Турли озикавий моддалар асосидаги ёғ тақлидчиларини ёғ ўрнида қўллаб, озик-овқат маҳсулотлари олинган ва уларнинг хоссалари ҳамда ишлатилиш соҳалари тадқиқотчилар томонидан кенг ўрганилган. Инулин асосидаги ёғ тақлидчиларини озик-овқат маҳсулотларида, жумладан, маргаринларда қўллаш бўйича етарлича ўрганилмаганлиги келтириб ўтилган. Илмий адабиётлардаги манбалар асосидаги хулосалардан келиб чиқиб, диссертация ишининг долзарблиги ва зарурати, мақсади ва вазифалари белгилаб олинган.

Диссертациянинг **«Маргарин олиш техникаси, маҳсулот ва хомашёларни таҳлил қилиш усуллари»** деб номланган иккинчи бобида тадқиқот хомашёлари, уларнинг тавсифи, хомашёларни тайёрлаш ва маргарин эмульсиясини олишнинг лаборатория қурилмаси, маргарин олишда қўлланилган хомашё ва тайёр маҳсулотларни таҳлил қилиш усуллари, инулинли гелларни олиш ва таҳлил қилиш усуллари, тадқиқот натижаларини статистик қайта ишлаш ва хатоликларни баҳолаш усуллари бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг **«Маҳаллий топинамбур туганагидан инулин экстрактини олишнинг тадқиқоти»** деб номланган учинчи боби топинамбур туганагидан экстрактини олиш, жараённи ультратовуш таъсирида жадаллаштириш, олинган экстрактларнинг хусусиятларини ўрганиш, инулинли гидрогеллар олиш, органолептик ва реологик хоссаларини ўрганишга бағишланган.

Топинамбур туганагидан инулинли экстракт олишнинг пресслаш, пресслаш-экстракциялаш ва экстракциялаш усуллари тадқиқ қилиниб, ҳар бир усулда технологик жараёнларнинг кўрсаткичлари ўрганилган. Топинамбур туганагидан тўғридан-тўғри инулинли экстракт олинганда унинг ранги қорайиб, органолептик кўрсаткичлари талаб даражасида бўлмаган. Шу сабабли, топинамбур туганагини дастлаб қуритиб, ундан кукун олинган ва кукунни экстракциялаб, инулинли экстракт олинган.

Экстрактнинг сифати кукунга ва кукуннинг сифати топинамбур туганаги парракларини қуритиш жараёнига боғлиқ бўлади. Шу сабабли топинамбур туганаги парраклари хона ҳарорати ва 40-дан 80°C гача бўлган ҳароратларда қуритилиб, ҳароратни маҳсулотнинг органолептик ва физик-кимёвий кўрсаткичларига таъсири ўрганилган (1-жавдал).

1-жадвал



Қуритиш ҳароратини олинadиган маҳсулотнинг органолептик ва физик-кимёвий кўрсаткичларига таъсири

Кўрсаткич номи	Қуритиш ҳарорати, °C					
	Хона ҳарорати	40	50	60	70	80
Органолептик кўрсаткичлари, балл						
Ранги	9	9	8	8	7	6
Таъми	8	8	8	8	9	9
Ҳиди	9	9	9	9	8	8
Консистенцияси	9	8	8	7	7	6
Жами	35	34	33	32	31	29
Физик-кимёвий кўрсаткичлари						
Намлик ва учувчан моддалар масса улуши, %	7,5	7,1	7,0	7,8	7,3	6,3
Углеводларнинг масса улуши, %	68,8	69,5	69,6	68,4	69,4	70,0
жумладан инулин, %	44,0	44,3	44,2	42,8	42,6	41,2
Оқсилнинг масса улуши, %	9,1	9,2	9,2	9,1	9,2	9,3
Минерал моддаларнинг масса улуши, %	5,6	5,8	5,8	5,4	5,8	5,9
Бошқа моддалар, %	9,0	8,4	8,4	9,3	8,3	8,5

1-жадвалдан кўринадики, қуритиш ҳарорати маҳсулотнинг органолептик кўрсаткичларига жиддий таъсир кўрсатган. Юқори ҳароратларда топинамбур туганаги парракларининг ранги ва консистенциясида пасайиши кузатилган. Топинамбур парракларининг дастлабки қуритиш ҳарорати ва жараён давомийлигига боғлиқ равишда намлиги 6,3-7,8% гача камайган. Бу эса ўз набатида қуритилган маҳсулотда углеводларнинг масса улушини 68,4-70% гача, оқсилларнинг 9,1-9,3% гача ва минерал моддаларни 5,4-5,9% гача ортишига олиб келган. Жумладан, инулин миқдори ҳам 41,2-44,3% гача ортган. Бунда юқорироқ ҳароратларда қуритиш инулиннинг бир қисмини гидролизланишига олиб келган. Энг яхши натижалар хона ҳароратидан 50°C гача ҳароратда қуритилганда олинган. Ундан юқори ҳароратларда кўрсаткичларда пасайиш кузатилган.

Қуритилган топинамбур туганаги кукуни (ТТК) олинди ва унинг массасига нисбатан 1:10 миқдорда сув билан 50 дан 90°C ҳарорат оралиғида 30-120 мин давомида экстракция қилинди. Бунда жараёнга вақт ва ҳароратнинг таъсири ўрганилди. Олинган натижалар 1а-расмда келтирилган.

1а-расмдан кўринадики экстракциялаш жараёнининг давомийлиги ва ҳароратининг ортиб бориши билан инулиннинг чиқиши ортиб борган. Жараён 50°C ҳароратда 120 мин экстракцияланганда инулиннинг чиқиши паст бўлган. 90°C ҳароратда 90-105 мин оралиғида максимал даражада (63%) инулин олишга эришилган. Қолган ҳароратларда эса бу кўрсаткич пастроқ бўлди.



1-расм. Экстракциялаш жараёни давомийлиги, ҳарорат (а) ҳамда гидромодульнинг (б) ТТКдан инулин чиқиш миқдорига таъсири.

ТТКни 1:8, 1:10, 1:12, 1:14 ва 1:16 нисбатлардаги сув билан 90°C ҳароратда 30-120 минут давомида экстракциялаб, инулинни чиқишига гидромодульнинг таъсири ўрганилган. Олинган натижалар 1б-расмда келтирилган.

1б-расмдан кўринадик, инулиннинг дастлабки миқдорига нисбатан чиқиши гидромодуль 1:8 дан 1:16 гача ортганда экстракциялаш давомийлигига қараб 26,6 дан 81,7% гача ошиб борган. Энг яхши натижалар гидромодуль 1:14 ва 1:16 ҳамда экстракциялаш давомийлиги 90 мин бўлганда олинган. Гидромодуль ва экстракциялаш давомийлигининг кейинги ортиши инулиннинг чиқишига сезиларли даражада таъсир этмаган.


ТТКдан инулинни экстракциялаш жараёнини жадаллаштириш ва унумдорлигини ошириш учун у 40 кГц частотали ультратовуш таъсирида экстракцияланди. Бунда ТТК массасига нисбатан 1:10 миқдорда сув қўшилиб, жараён ҳарорати 50 дан 90°C гача ва давомийлиги 30 дан 120 мин этиб белгиланди. Инулиннинг чиқишига ҳарорат ва жараён давомийлигининг таъсири ўрганилди. Олинган натижалар 2а-расмда келтирилган.

2а-расмдан кўринадик, ТТКдан инулинни экстракциялаш жараёнида ультратовушнинг таъсири сезилган. 50 ва 60°C ҳароратларда 75 дақиқагача экстракцияланганда инулиннинг чиқиши жадал ортиб борган, сўнг ўзгармаган. 70-90°C ҳароратларда инулиннинг чиқиш миқдори 60 дақиқагача ортган, сўнг камайган. Экстракциялаш ҳарорати ошиши, инулиннинг бир қисми “термик” парчаланишига олиб келади.

Турли нисбатлардаги гидромодульларда ТТК таркибидаги инулинни экстракциялаш жараёнига ультратовушнинг вақт бирлигидаги таъсири ўрганилди. Бунда гидромодуль 1:8, 1:10, 1:12, 1:14, 1:16 қилиб олинди ва жараён 70°C да 30-120 мин давомида олиб борилди. Натижалар 2б-расмда келтирилган.

2б-расмдан кўриниб турибдики, гидромодуль 1:8 дан 1:16 гача ортиб бориши билан инулиннинг экстракцияланиши ҳам ўзгариб борган. Барча гидромодульларда экстракцияланиш вақти 60 мин бўлганда энг юқори натижани

кўрсатганини, 1:10 ва ундан юқори нисбатларда экстракция жараёнини давом эттириш инулиннинг миқдорини камайишига олиб келганини кўриш мумкин.



2-расм. Ультратовуш ёрдамида экстракциялаш жараёни давомийлиги, ҳарорат (а) ҳамда гидромодулни (б) ТТКдан инулин чиқиш миқдорига таъсири.

Юқоридаги натижалардан хулоса шуки, ТТКдан ультратовуш ёрдамида инулинни экстракция қилиш жараёнининг давомийлигини 60 мин, ҳароратни 70°C ва гидромодулни 1:10 нисбатда белгилаш мақсадга мувофиқ бўлади. Аънавий ва ультратовушли усулларнинг энг мақбул технологик режимлари ва улардан олинган экстрактларнинг кимёвий таркиблари 2-жадвалда келтирилган.

2-жадвал

Аънавий усулда (АН) ва ультратовуш ёрдамида (УТ) ТТКдан инулинли экстракт олиш жараёнларининг мақбул технологик режимлари ва экстрактнинг таркиби

Кўрсаткич номи	Экстракциялаш усуллари			
	аънавий усулда	ультратовуш ишлови иштирокида	аънавий усулда	ультратовуш ишлови иштирокида
Ҳарорат, °C	90	90	70	70
Жараён давомийлиги, мин	90	60	90	60
Гидромодуль	1:14	1:14	1:10	1:10
pH кўрсаткич	6,5-7,0	6,5-7,0	6,5-7,0	6,5-7,0
Экстрактнинг кимёвий таркиби				
Углевод миқдори, %	4,6	5,3	4,1	6,0
Инулин миқдори, %	2,5	3,4	2,4	3,9
Оқсил миқдори, %	0,4	0,5	0,3	0,6
Намлик ва учувчан моддалар миқдори, %	93,9	93,0	94,4	92,2
Бошқа моддалар, %	1,1	1,2	1,2	1,2

2-жадвалдан кўринадикки, инулин экстракти олишда ультратовуш таъсиридан фойланиш жараён ҳароратини 20°C га, давомийликни 30 мин га ва

гидромодулни 1,4 мартага камайтирган. Шунингдек, углеводларни ажралиши 1,3 марта, инулин ва оксил ажралишини 1,5 мартагача ошган.

Экстрактдаги куруқ моддаларнинг, жумладан инулиннинг концентрациясини ошириш мақсадида мақбул технологик режимларда олинган экстрактлар қолдиқ босим 150-200 мм.с.м.уст.да, 70°С ҳароратда вакуум-шароитида буғлатиб қуюлтирилган. Қуюлтириш жараёни инулин миқдори 10, 20, 30 ва 40% бўлгунга қадар давом эттирилган. Олинган экстрактларнинг таркиби таҳлил қилинган ва натижалар 3-жадвалда келтирилган.

3-жадвал

Ажратиб олинган инулинли экстрактларнинг турли концентрациядаги таркиби

Компонентлар номи	Дастлабки		Қуюлтирилган							
			10%		20%		30%		40%	
	АЭ	УЭ	АЭ	УЭ	АЭ	УЭ	АЭ	УЭ	АЭ	УЭ
Углевод миқдори, %	4,6	6,0	18,49	15,48	36,5	31,2	54,72	47,35	72,5	61,73
инулин миқдори, %	2,5	3,9	10,20	10,06	20,10	20,28	30,19	30,77	40,01	40,12
Оксил миқдори, %	0,5	0,6	1,64	1,55	3,2	3,12	4,85	4,73	6,43	6,17
Бошқа моддалар, %	1,0	1,2	3,46	3,09	6,8	6,24	10,24	9,47	13,56	12,35
Намлик ва учувчан моддалар миқдори, %	93,9	92,2	76,41	79,88	53,5	59,44	30,19	38,45	7,5	19,75
Жами	100	100	100	100	100	100	100	100	100	100

3-жадвалда анъанавий ва ультратовуш ёрдамида ажратиб олинган экстрактнинг 4 хил концентрациядаги таркиби келтирилган. Бунда дастлабки анъанавий усулда олинган экстрактнинг таркибидаги куруқ моддалар миқдори 6,1%, углеводлар миқдори 4,6%, шундан инулин миқдори 2,5% ҳамда сув миқдори 93,9% ни ташкил этган. Ультратовуш ёрдамида олинган экстракт таркибида куруқ моддалар миқдори 7,8%, углеводлар миқдори 6,0%, шундан инулин миқдори 3,9% ҳамда сув миқдори 92,2% ни ташкил қилган.


Анъанавий усулда олинган экстрактлар таркибидаги куруқ моддалар миқдори мос равишда 23,59, 46,5, 69,81 ва 92,49% ни ташкил этган. Ультратовуш ёрдамида ажратиб олинган инулинли экстрактни қуюлтиришда эса куруқ моддалар миқдори мос равишда 20,12, 40,56, 61,55 ва 80,25% ни ташкил этган. Экстрактларни концентрациясини янада ошириш маҳсулотнинг қуюқлашишига олиб келади. Бу эса унинг маргаринлар рецептига киритиш имконини бермайди.

Инулинли экстрактларнинг коллоид-кимёвий кўрсаткичларини аниқлаш мақсадида экстрактнинг ҳаво чегарасидаги сирт таранглигини унинг таркибидаги сув миқдorigа боғлиқлиги ўрганилган ва олинган натижалар инулиннинг сувли эритмаси билан таққосланган (3а-расм).

3а-расмдан кўришиб турибдики, 3 та намунанинг ҳаво чегарасидаги сирт таранглиги ўрганилаётган эритма таркибидаги сувнинг миқдorigа қараб турлича ўзгармоқда. Натижалардан кўринадик, экстрактларнинг сирт фаоллиги юқори бўлиб, бу уларни сирт фаол модда сифатида ассоцияловчи маҳсулот сифатида эмульсия маҳсулотларига қўшиш мумкинлигини билдиради. Бу маҳсулотнинг барқарорлиги, эмульсияни стабиллигини таъминлашда ёрдам беради.


3б-расмда инулинли эритма ва экстрактларнинг динамик қовушқоқлиги келтирилган. Унга кўра инулинли экстрактнинг динамик қовушқоқлиги юқори

бўлган. Динамик қовушқоқликнинг ошиши эса, асосан инулиннинг табиатига боғлиқ. Бунда инулин сув билан бўқиши ҳисобига гелсимон маҳсулот ҳосил қилади. Бу маҳсулотни ёғ тақлидчиси сифатида қўллаш имкониятини беради.



3-расм. Экстракт ҳамда инулиннинг сувдаги эритмасининг сирт таранглиги (а) ҳамда динамик қовушқоқлигини (б) сувнинг миқдорига боғлиқлиги.

Кейинги тажрибаларда экстрактлардан инулинли гель тайёрланди. Бунда қиёсий таҳлил қилиш учун инулиннинг 10, 20, 30 ва 40% сувли эритмаларидан фойдаланилди. Тайёрланган ҳар бир гелнинг хажмий гел индекс таҳлил қилинди. Натижалар 4а-расмда келтирилган.



4-расм. Инулин концентрациясини гелнинг хажмий гел индекси (а) ҳамда мустаҳкамлигига (б) таъсири.


4а-расмдан кўринадики, 10% концентрацияда барча наъмуналарда кам гел ҳосил бўлган. 20% концентрацияда барча наъмуналар 100% гел ҳосил қилган. 30% концентрацияда эса инулин эритмаси 100% гел ва инулин экстрактлари 90% дан кам ҳажмда гел ҳосил қилган. 40% концентрацияда барча намуналар тўлиқ гел ҳосил қилмаган. Бу эритмаларда сувнинг камлиги ва қурук моддаларни чўкма ҳосил қилиши билан изоҳланади.

Инулинли эритма ва экстрактларнинг концентрацияларини гелнинг мустаҳкамлигига таъсири ўрганилди. Натижалар 4б-расмда келтирилган.

4б-расмдан кўринадики, 10 ва 40% концентрациядаги инулин эритмаси ва

экстрактларидан ҳосил бўлган гелларнинг мустаҳкамликлари жуда паст. 20% концентрациядаги инулин эритмасидан олинган гелнинг мустаҳкамлиги нисбатан пастроқ, худди шу концентрациядаги инулин экстрактларидан олинган гелларнинг мустаҳкамликлари энг юқори қийматларни намоён этган. 30% концентрациядаги инулин эритмасидан олинган гелнинг мустаҳкамлиги шу концентрациядаги инулин экстрактларидан олинган гелларникидан юқори бўлган. Ушбу концентрацияда экстрактлардан олинган гелларнинг тўлик шаклланмаганлиги ва уларда чўкмалар ҳосил бўлганлиги билан изоҳланади.

Кейинги тажрибаларда инулинли гелларнинг суркалувчанлик хусусиятларини уларни тайёрлашда қўлланган эритма ва экстрактларнинг концентрациясига боғлиги ўрганилди (5а-расм).



5-расм. Инулин концентрациясини гелнинг суркалувчанлик (а) ва барқарорлик (б) хусусиятига таъсири

5а-расмдан кўринадики, инулинли гелларнинг суркалувчанлиги эритма ва экстрактларнинг концентрацияларига боғлиқ бўлади. Бунда ҳам 10 ва 40% концентрацияли эритма ва экстрактлардан тайёрланган гелларнинг суркалувчанлиги паст. 20 ва 30% концентрациядаги эритма ва экстрактлардан тайёрланган гелларнинг суркалувчанлиги қаттиқлиги ва мустаҳкамлигига мос равишда юқори бўлиб, юзада текис ва бир хил ёйилади. Инулинли эритмадан гел тайёрланганда унинг суркалувчанлиги инулин концентрациясига мос равишда ошиб боради. Фақат 40% концентрацияда бу қонуният бузилади.

Инулинли гелларнинг барқарорлик хусусиятлари таҳлил қилинди. Олинган натижалар 5б-расмда келтирилган. Бундан кўринадики, инулинли гелларнинг барқарорлиги инулинли эритманинг концентрациясига боғлиқ равишда оптимал нуқтага қадар ортади. Инулин экстрактдан олинган гелларнинг барқарорлиги концентрацияга қараб 20%>30%>10%>40% тартибда пасайиб боради. Энг яхши натижалар инулинли экстрактларда олинганлиги кузатилди.

Диссертациянинг «**Маҳаллий топинамбур туганаги экстрактини маргарин олишда ёғ тақлидчиси сифатида қўллашни тадқиқ қилиш**» деб номланган тўртинчи бобида маргариннинг ёғли фазасини танлаш, ёғ тақлидчисини қўллаш, ёғ тақлидчисини маргарин эмульсиясининг турғунлиги, физик-кимёвий кўрсаткичлари, сақлаш муддати ва сифатига таъсири, технологик кўрсаткичларни ёғ тақлидчиси асосли маргариннинг сифат кўрсаткичларига

таъсири ҳамда маргаринларни токсикологик таҳлил натижалари келтирилган.

Маргарин маҳсулотини ишлаб чиқаришда ёғли асосни тўғри танлаш муҳим масала ҳисобланади. Ёғлилиги 60 ва 80% бўлган маргаринларнинг ёғли асоси переэтерификацияланган ёғ ва сариёғ асосида шакллантирилди (4-жадвал).

4-жадвал

Ёғ тақлидчилари қўшилган маргарин рецептининг ёғли асоси

№	Ёғ номи	Миқдори, %	
		80%	60%
1	Сариёғ	12,6	8,3
2	Переэтерификацияланган ёғ	87,4	91,7

Тайёрланган ёғли асослар билан 60 ва 80% маргаринларнинг рецептлари шакллантирилди (5- ва 6-жадваллар). Бунда назорат маргарини М (назорат), инулин эритмаси асосидаги гель қўшилган маргарин М-Гель (эритма) ва инулин экстракти асосидаги гель қўшилган маргарин М+Гель (экстракт) этиб номланди. Бунда ёғнинг 10, 20, 30 ва 40% миқдори инулинли геллар билан алмаштирилади.

5-жадвал

80% ли ва унинг асосида шакллантирилган ёғ ўрнига тақлидчиси қўшилган маргаринларнинг рецептлари

Маргарин компонентлари, %	М (назорат)	М+Гель (эритма)	М+Гель (экстракт)
Ёғли асос	80	37-78	37-78
Бўёқ	0,1	0,1	0,1
Эмульгатор	0,2	0,2	0,2
Туз	0,4	0,4	0,4
Фосфатид концентрати	0,7	0,7	0,7
Антиоксидант	0,05	0,05	0,05
Қанд	0,4	0	0
Сув	18,15	1,55-15,55	1,55-15,55
Гель (инулин эритмаси 20%)	0	5-60	0
Гель (инулин экстракти 20%)	0	0	5-60
Жами	100	100	100


5-жадвалдан кўринадики 80% маргарин М (назорат) рецептида ёғли асос 80%, сув 18,15%, қанд 0,4% ва қолган компонентлар 1,45% ни ташкил этади. Инулинли эритма асосида тайёрланган гель қўшилган маргарин М+Гель (эритма) рецептида ёғли асос 37-78%, сув 1,55-15,55%, гель 5-60%, қолган компонентлар 1,45% ни ташкил этиб, унда қанд қўшилмаган. Худди шундай таркиб инулинли экстракт асосида олинган гель қўшилган маргарин М+Гель (экстракт) рецептида ҳам кузатилади. Инулинли геллар қўшилган маргарин рецептларида ёғли асос ва сувнинг масса улушларидан бир хил миқдорда камайтириб, олинган массага тенг миқдорда гель киритилган.

Тузилган рецептлар асосида эмульсиялар тайёрланиб, уларнинг таркиби таҳлил қилинганда сувнинг масса улуши камаймаганлиги кузатилди (ба-расм).

ба-расмдаги графикдан кўринадики, маргарин рецептида инулин эритмаси асосида тайёрланган гелнинг масса улуши 5 дан 60% гача ортиб борган сари ёғли фазанинг масса улуши 81 дан 38% гача камайиб, сувнинг масса улуши 18,15 дан 49,55% гача ортган. Гель таркибидаги инулин ҳисобига маргариндаги қуруқ

моддалар масса улуши 0,8 дан 12,4% гача ортган.

Юқоридаги тажрибалар инулинли экстракт асосида олинган гель қўшилган М+Гель (экстракт) маргариннинг рецептларини шакллантиришда ҳам такрорланди. Буни 6б-расмдан ҳам кўриш мумкин.



6-расм. 80% ли маргарин ва М+Гель (эритма) (а) ҳамда М+Гель(экстракт) (б) рецепт асосида олинган эмульсиялар таркибидаги ёғ, сув ва қуруқ моддалар масса улушларининг ўзгариши.

6б-расмдан кўринадики, маргарин рецептида инулин экстракти асосида тайёрланган гелнинг масса улуши 5 дан 60% гача ортиб борган сари ёғли асоснинг масса улуши 81 дан 38% гача камайиб, сувнинг масса улуши 18,15 дан 37,21% гача ва қуруқ моддалар масса улуши 0,8 дан 24,74% гача ортган.

Юқорида амалга оширилган тажрибалар 60% ли маргарин рецептида ҳам олиб борилди. Тажриба учун олинган 60% маргарин таркибидаги ёғнинг ўрнига инулинли гелларни киритиб, ёғнинг 10, 20, 30 ва 40% миқдори инулинли геллар билан алмаштирилди. Маргарин рецептлари 6-жадвалда келтирилган.


6-жадвал

60% ли ва унинг асосида шакллантирилган ёғ ўрнига тақлидчиси қўшилган маргаринларнинг рецептлари

Маргарин компонентлари, %	М (назорат)	М+Гель (эритма)	М+Гель (экстракт)
Ёғли асос	60	30-58	30-58
Бўёқ	0,1	0,1	0,1
Эмульгатор	0,4	0,4	0,4
Туз	0,4	0,4	0,4
Фосфатид концентрати	1	1	1
Антиоксидант	0,05	0,05	0,05
Қанд	0,4	0	0
Сув	37,65	8,05-35,05	8,05-35,05
Гель (инулин эритмаси 20%)	0	5-60	0
Гель (инулин экстракти 20%)	0	0	5-60
Жами	100	100	100

6-жадвалдан кўринадики 60% маргарин М(назорат) рецептида ёғли асос 60%, сув 37,65%, қанд 0,4% ва қолган компонентлар 1,95% ни ташкил этади. Маргарин М+Гель (эритма) рецептида ёғли асос 30-58%, сув 8,05-35,05%, гель 5-60%, қолган компонентлар 1,95% ни ташкил этиб, унда қанд қўшилмаган. Худди шундай таркиб инулинли экстракт асосида олинган гель қўшилган

маргарин М+Гель (экстракт) рецептида ҳам кузатилади. Инулинли геллар кўшилган 60% маргарин рецептлари 80% маргарин рецептидаги каби шакллантирилган. Тузилган рецептлар асосида эмульсиялар тайёрланиб, эмульсияларнинг таркиби таҳлил қилинди (7а- ва 7б-расмлар).




7-расм. 60% ли маргарин ва М+Гель (эритма) (а) ҳамда М+Гель(экстракт) (б) рецепт асосида олинган эмульсиялар таркибидаги ёғ, сув ва қуруқ моддалар масса улушларининг ўзгариши.

7а-расмдан кўринадики, маргарин рецептида инулин эритмаси асосида тайёрланган гелнинг масса улуши 5 дан 60% гача ортиб борган сари ёғли асоснинг масса улуши 61,5 дан 31,5% гача камайиб, сувнинг масса улуши 37,65 дан 56,05% гача ортган. Гель таркибидаги инулин ҳисобига маргариндаги қуруқ моддалар масса улуши 0,8% дан 12,4% гача ортган.

7б-расмдан кўринадики, маргарин рецептида инулин экстракти асосида тайёрланган гелнинг масса улуши 5 дан 60% гача ортганда ёғли асоснинг масса улуши 61,5 дан 31,5% гача камайиб, сувнинг масса улуши 37,65 дан 43,7% гача ва қуруқ моддалар масса улуши 0,8 дан 24,74% гача ортган.

Инулинли гелларнинг масса улушини маргарин эмульсиясининг барқарорлигига таъсири ўрганилди. Натижалар 8а- ва 8б-расмларда келтирилган.




8-расм. 80 (а) ва 60 (б) % ли маргарин ва унинг асосида шакллантирилган ёғ ўрнига тақлидчиси кўшилган рецепт асосида олинган эмульсиянинг барқарорлигига гел микдорининг таъсири

8а-расмдан кўринадикки, гелнинг масса улуши 5 дан 60% гача ортганда М+Гель (эритма) маргарин эмульсиясининг барқарорлиги 92 дан 76% гача пасайган бўлса, М+Гель (экстракт) маргарин эмульсиясининг барқарорлиги эса 92 дан 81% гача пасайган. Эгри чизиқларнинг ўзгаришига назар солинса М+Гель (эритма) маргаринида барқарорлик эгри чизиғи гелнинг масса улуши 30% гача бўлганда секин пасайган бўлса, 30% ошганда эса барақарорлик эгри чизиғининг кескин оғиши кузатилган. Худди шундай қонуният М+Гель (экстракт) маргарини эмульсияларида гелнинг масса улуши 37% дан ошганда кузатилган. Эгри чизиқларнинг кескин пасайиши яъни эмульсия барқарорлигининг тушиб кетиши унда сув ва қуруқ модданинг ортиб кетиши туфайли эмульгатор таъсир кучининг камайиб кетиши билан тушинтирилади.

8б-расмдан кўринадикки, маргарин таркибига қўшилаётган гелнинг масса улуши 5 дан 60% гача ортганда М+Гель (эритма) маргарин эмульсиясининг барқарорлиги 90 дан 64% гача пасайган бўлса, М+Гель (экстракт) маргарин эмульсиясининг барқарорлиги эса 90 дан 69% гача пасайган. М+Гель (эритма) маргаринида барқарорлик эгри чизиғи гелнинг масса улуши 25% гача бўлганда секин пасайган бўлса, 30% ошганда эса барақарорлик эгри чизиғининг кескин оғиши кузатилган. Худди шундай қонуният М+Гель (экстракт) маргарини эмульсияларида гелнинг масса улуши 30% дан ошгандан кейин содир бўлган.

Кейинги тажрибаларда инулинли гелларнинг масса улушини маргарин қаттиқлигига таъсири ўрганилди. Натижалар 9а- ва 9б-расмларда келтирилган.



9-расм. 80 (а) ва 60 (б) % ли маргарин ва унинг асосида шакллантирилган ёғ ўрнига тақлидчиси қўшилган рецепт асосида олинган эмульсиянинг қаттиқлигига гель миқдорининг таъсири


9а-расмдан кўринадикки, гель миқдорининг ортиши билан маргариннинг қаттиқлиги ҳам пасайиб боради. Гелнинг масса улуши 5 дан 60% гача ортганда М+Гель (эритма) маргариннинг қаттиқлиги 68 дан 41 г/см гача, М+Гель (экстракт) маргариннинг қаттиқлиги 68 дан 46 г/см гача пасайган. Эгри чизиқларнинг кескин оғиши М+Гель (эритма) маргаринида гелнинг масса улуши 30% дан, М+Гель (экстракт) маргаринида 37% дан ортганда кузатилган. 9б-расмдан кўринадикки, гель миқдорининг ортиши билан маргариннинг қаттиқлиги ҳам пасайиб боради. Гелнинг масса улуши 5 дан 60% гача ортганда М+Гель (эритма) маргариннинг қаттиқлиги 58 дан 37 г/см гача, М+Гель

(экстракт) маргариннинг қаттиқлиги 58 дан 40 г/см гача пасайган. Эгри чизиқларнинг кескин оғиши М+Гель (эритма) маргаринида гелнинг масса улуши 25% дан, М+Гель (экстракт) маргаринида 30% дан ортганда кузатилган.

Кейинги тажрибаларда 80% ли маргарин таркибига киритилаётган гелларнинг масса улушини унинг органолептик хусусиятларига таъсири ўрганилди. Бунинг учун тайёрланган маргаринлар бир нечта кўнгиллилар ёрдамида дегустация қилиш ва 10 баллик тизимда баҳолаш усули билан таҳлил қилинди. Дастлаб М+Гель (эритма) маргаринларининг органолептик хусусиятлари ўрганилди. Олинган натижалар 10а-расмда келтирилган.

10а-расмдан кўринадик, М+Гель (эритма) маргаринлардаги гелларнинг масса улуши 30% гача ортган сари уларнинг консистенцияси ва суркалувчанлиги яхшиланиб борган. Гель массасининг кейинги ортиши ушбу кўрсаткичлар қийматини камайишига олиб келган. Маргариндаги гелнинг оғизда сезилиши эса гелнинг масса улуши 35% гача ортганда барқарор бўлган бўлса, ундан кейинги масса улушларида пасайиш кузатилган. Маргариннинг таъми гел масса улуши 5 дан 10% гача ортганда ўзгармаган бўлса, ундан кейин гелнинг масса улуши ортган сари фақат камайиб борган.

Кейинги тажрибаларда М+Гель (экстракт) маргаринларининг органолептик хусусиятлари ўрганилди. Натижалар 10б-расмда келтирилган.



10-расм. 80% ли М+Гель (эритма) (а) ҳамда М+Гель (экстракт) (б) рецепт асосида олинган эмульсиянинг органолептик кўрсаткичларига гел микдорининг таъсири

10б-расмдаги маълумотлардан кўринадик, М+Гель (экстракт) маргаринлардаги гелларнинг масса улуши 37% гача ортган сари уларнинг оғизда сезилиши, консистенцияси ва суркалувчанлиги яхшиланиб борган. Гель массасининг кейинги ортиши ушбу кўрсаткичлар қийматини камайишига олиб келган. Маргариндаги гелнинг улуши ортган сари унинг таъми фақат ортиб борган.

Юқорида келтирилган тажриба натижаларга кўра инулинли ёғ тақлидчиларининг энг мақбул микдори М+Гель (эритма) маргаринида 30% ва М+Гель (экстракт) маргаринида 37% ни ташкил қилди. Ёғ тақлидчисининг ушбу масса улушларидаги олинган маргаринларнинг кимёвий таркиби, энергетик қиймати ва физик-кимёвий кўрсаткичлари таҳлил қилинди (7-жадвал).

7-жадвалдан кўринадик, 80% маргарин рецептига ёғ, шакар ва сувнинг бир қисмини ўрнига инулинли гел киритилганда унинг ёғдорлиги


